АРЗОНГА ТУШАДИ

Шу йилнинг март ойидан маҳсулот чиқаришни бошлаган Бухородаги "Гуорин-Авиценa" Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси 17 турдаги ноёб дорилар билан аҳолини таъминламоқда. Айни пайтда корхона олдида турган вазифалардан бири — маҳаллий доривор ўсимликлардан фойдаланган ҳолда турли малҳамлар тайёрлашдир. Ҳозиргача хориждан келтирилаётган бу малҳамлар ўзимизда тайёрланганига нисбатан 2-3 баробар қимматга тушиб келмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ЙИЛ ОЙ КУН

БЕШ КУНДА ЕТТИ МИНГ СЎМ

Асака туманидаги "Шарқ ҳақиқати." жамоа хўжалиги теримчилари Патилахон Шералиева билан Мавлудахон Абдуҳакимовалар пахта даласида ўзларини кўрсатишди. Улар беш кунлик якунига кўра етти минг сўмдан ҳақ олдилар. Теримчилар меҳнати вақтида тақдирланаётгани туманда йиғим-терим ишлари ибратли бўлишига имкон бермоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЖИЗЗАХ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жиззах вилояти шаҳар ва қишлоқлари тобора кўркамлашяпти. Бу ерда ободончиликка алоҳида эътибор қаратилган. Шу йилнинг ўзида ана шу мақсад учун 2,7 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани бунинг далилидир. Куни кеча вилоят маркази Жиззах шаҳрида "Истиклол боғи" фойдаланишга топширилди. Шаҳар ҳуснига чирой кўшган 12 гектарлик бу сўлим гўшада "Ёшлик" форуми, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Бахт уйи", чойхона ва фавворали хиёбонлар бор.

Бобо САРОЙИЙ.

ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Қуён тез кўпаядиган жониворлардан. Бунга Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги "Наврўз" ҳиссадорлик жамиятида яна бир бор ишонч ҳосил қилинди. Йил бошида 15 та қуён олинганди. Бугунга келиб улар 450 тадан ошди. Янги йилдан бошлаб қуён мўйналаридан телпак тикиш йўлга қўйилади. Парҳез гўштлар болалар боғчаларига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 сентябрь, пайшанба № 110 (22.194).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН – ИТАЛИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Хабар қилинганидек, 17 сентябрь куни Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продини Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Кутиб олувчилар орасида Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетц ҳам бор эди.

Олий мартабали меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилувчи кишилар жойлашган автомобиллар карвони «Дўрмон» қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда Италия Вазирлар Кенгаши Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Проди шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакатнинг Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Романо Проди фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов билан Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг яккамаякка суҳбати бўлди. Унда Ўзбекистон — Италия муносабатларининг ҳозирги даражаси ва истиқболи, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда Ўрта Ер денгизи ҳавзасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича фикрлашиб олинди. Белгиланган вақтдан анча узоқ давом этган мулоқот якунида томонларнинг нуқтаи назари кўп жиҳатдан ўхшаш экани ҳамда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тўла келишувга эришилгани қайд этилди.

И.Каримов ва Р.Продининг юзма-юз суҳбати ниҳоясига етгач, Ўзбекистон ва Италия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.



СУРАТДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг юзма-юз суҳбати.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳукумати дунёдаги саноати ривожланган давлатлар орасида учинчи ўринни эгаллаб турган Италия билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор беришини таъкидлаб, ўзининг ушбу мамлакат Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Проди билан Флоренцияда бўлиб ўтган илгариги учрашувига тўхталди:

— Флоренциядаги учрашувимиз мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги сиёсий мулоқотларни бошлаб берди. Хусусан, шу йил май ойида Ўзбекистонга Италия Президенти Оскар Скалфаро ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор ҳужжатлар имзоланди.

Музокараларда мамлакатимиз раҳбари Италия Вазирлар Кенгаши Раисига Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа вақт ичида қўлга киритилган ютуқлар, республикамизнинг иқтисодий ва ақлий салоҳияти ҳақида гапирди. Таъкидлаш керакки, республикамизда туб ўзгаришлар бошланган 1991 йилдан то бугунгача амалга оширилган ишлар Италия делегациясида катта таассурот қолдирди. Хусусан, макроиқтисодий барқарорлик, сармояларнинг салмоқли қисми ички маблағлар ҳиссасига тўғри келаётгани, ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичининг юқорилай бошлагани, қолаверса, ғалла, ёқилғи мустақиллиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар италиялик меҳмонларнинг мақтовига сазовор бўлди. Иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапирар экан, Президент Ислом Каримов «УзДЭУавто» «Зарафшон-Ньюмонт» каби қўшма корхоналар, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи ва хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда ишга туширилган кўпгина бошқа муҳим иншоотларни тилга олиб, бу борада Ўзбекистон Италия ишбилармонлари учун ҳам ҳар томонлама мақбул мамлакат эканини таъкидлади.

Музокараларда бош мавзу — Ўзбекистон — Италия муносабатлари асосий ўринни эгаллади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар хусусида сўзлар экан, Президент Ислом Каримов Италия раҳбариятининг халқаро сиёсат майдонидаги саъй-ҳаракатларини, жумладан, Италиянинг БМТ хавфсизлик кенгашини кенгайтириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашини билдирди.

— Биз Европа иттифоқи ва НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳам Италия билан алоқаларини мунтазам ривожлантириш тарафдоримиз, — деди Ислом Каримов, жумладан. — Бундан ташқари халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик ҳамда наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши курашда Италияни муҳим ҳамкорлардан деб биламиз.

Музокараларда 1996 йилда Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 142 миллион АҚШ долларини ташкил этгани қайд этилиб, келгусида бу кўрсаткични янада ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ўрин берилди. Бу борада Ислом Каримов енгил саноат, ёғочни қайта ишлаш, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, банк-молия тизими ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбекистонда Италия ишбилармонларига нисбатан алоҳида эҳтиром билан қаралиши ҳамда уларнинг малакали ва ишончли ҳамкорлар сифатида қабул қилинишини айтди.

Музокараларда Романо Проди Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги хизматлари ҳамда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатига юқори баҳо берди.

— Сиз юритаётган сиёсат, — деди Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Ислом Каримовга юзланиб, — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тутган йўлга тўла мос келади. Марказий Осиё ўзининг жуғрофий жойлашуви, табиий бойликлари билан дунё харитасида муҳим ўринни эгаллайди. Бу минтақада кўплаб йирик давлатларнинг манфаатлари кесишади. Шу боис, минтақада барқарорликни сақлаш ишига қўшаётган ҳиссангиз ғоят муҳим.

Р. Проди куни-кеча Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги конференцияга тўхталиб, ушбу анжуман нафақат минтақавий, балки дунёвий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам эканини айтди.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси ўз мамлакатининг иқтисодий салоҳияти ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик учун мавжуд имкониятлари ҳақида сўзлаб, жумладан бундай деди:

— Италия иқтисодида кичик ва ўрта бизнес муҳим ўрин тутади. Уларнинг барчаси малакали мутахассис ва энг илғор технологияга эга. Ўзбекистон билан ҳамкорлик учун йирик фирмалардан ташқари, кичик ва ўрта бизнес вакилларини ҳам жалб қилиш мумкин. Аминманки, бу ўзаро муносабатларда кескин бурилиш ясайди. Биз Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки, биз Ўзбекистонни ушбу минтақадаги етакчи давлат, деб ҳисоблаймиз.

Романо Проди Италия Ўзбекистон билан сайёҳлик, мармарни қайта ишлаш соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга тайёр эканини маълум қилди. Шунингдек, Ислом Каримовнинг Римда Ўзбекистон элчихонасини очиш ҳақидаги фикрини мамнуният билан қабул қилганини айтди.

Музокаралар сўнггида Р. Проди мамлакатимиз раҳбарини Италияга расмий ташриф буюришга таклиф қилди ва мазкур учрашувнинг дўстона муҳитда ўтишини таъминлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Италия Республикаси ҳукумати ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Проди имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, Ислом Каримов ҳамда Романо Продининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Романо Проди Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамда бошқа расмий кишилар ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон, Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон Бош вазири ва Италия Вазирлар Кенгаши Раисининг икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув сўнггида Тошкент вилояти ҳокимлиги билан Италиянинг «Фата» компаниялари гуруҳи ўртасида Тошкент вилоятида агросаноат мажмуини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш тўғрисида, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги билан Италиянинг «Стет Телеком Интернешнл» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Италиянинг «Коммерчиале Италиано» банки ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Шу куни Р. Проди Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатларни кўздан кечирди.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришни марказлаштиришдан чиқаришни давом эттириш ва рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаларининг Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика уюшмаси «Ўзмаишийхизматуюшма»ни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мавжуд ҳудудий уюшмаларини ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман, шаҳар уюшмаларини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Белгилаб қўйилсинки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари ўз фаолияти тўғрисида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман, шаҳар уюшмалари эса туман шаҳарлар ҳокимликларига ҳисоб берадилар.

3. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

туман, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари, шунингдек ихтиёрий асосда уюшмага кирувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларга корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш масалаларида кўмаклашиш;

аҳолига маиший хизмат кўрсатиш туман, шаҳар уюшмалари ва корхоналари фаолияти билан боғлиқ бўлган юридик, молиявий, техник ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш;

аҳолини иш билан таъминлашни кенгайтириш учун тегишли минтақалар ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатишнинг ҳар хил турларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

ҳудудий уюшмаларга кирувчи корхоналарга маркетинг фаолиятида, моддий — хом ашё ресурслари сотиб олишда кўмаклашиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаларига улар зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

4. Қуйидагилар маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман, шаҳар уюшмаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ихтиёрий асосда уюшма таркибига кирувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига улар фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ишлатиладиган ва бошқа хом ашё ресурслари билан таъминлаш масалаларида кўмаклашиш;

маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

5. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлар ва корхоналарга самарали ва малакали ёрдам бериш мақсадида техника сиёсати билан шуғулланувчи ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар негизида «Маиший хизмат маркази» акциядорлик фирмаси ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

6. Ушбу Фармонни бажариш бўйича ташкилий қўмита тузилсин. Ташкилий қўмитага, шунингдек Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика уюшмаси «Ўзмаишийхизматуюшма»ни тугатиш комиссияси функцияси ҳам юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 апрелдаги ПФ-385-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 17 сентябрь.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ – ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Зеро, асарда кўтарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки бошқа мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли теран илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамияти янги аср бўсағасида дуч келаётган муҳим сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимига бағишланган ушбу китоб кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда.



Буюк Британиянинг машҳур «Керзон Пресс» нашриёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини инглиз тилида кўп нусхада нашр этди. Бу дунё жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Тошкентда икки кун давом этган «Марказий Осиё-ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция ўз ишини якунлади.

* * *

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Марказий Осиё Республикаларида тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг «Марказий Осиё: текстил ва чарм-97» деб номланган 2-халқаро кўргазма давом этмоқда.

* * *

Республикамизда фаолият кўрсатаётган «Тасис» дастурининг бозор кўникмаларини ривожлантириш мақсадида экспорт ва кооперацияни ривожлантиришга бағишланган Ўзбекистон—Германия иқтисодий семинари бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентдаги Республика бизнес-инкубаторида компьютер технологиялари билан жаҳонга машҳур бўлган «Майкрософт» компаниясининг ўқув маркази очилди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ Франциянинг Иқтисод, молия ва ишлаб чиқариш вазирлигида Россиянинг кредитор-мамлакат сифатида Париж клубига аъзо бўлиши ҳақидаги ҳужжатлар тантанали равишда имзоланди.

* * *

Чеченистон бош прокуратураси Россия Федерацияси бош прокуратураси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома лойиҳасини тайёрлади.

* * *

Европа иттифоқининг минтақалар комитети Европа комиссияси ва Халқаро олимпия қўмитаси иштирокида «Спорт минтақалар ва шаҳарларнинг ўзига хослигини намойиш этади» мавзуида умумевропа конференциясини ўтказмоқда.

* * *

Украина давлат экспорт назорати хизмати бошлиғи Виктор Вашилин, Украина Европа андозалари даражасидаги қуролларни ишлаб чиқаради, деб айтди.

* * *

Марҳум малика Диананинг қўриқчиси — шу йилнинг 31 августидаги автоҳалокатдан кейин ҳушини йўқотган Тревор Рис-Джонс касалхонада ўзига келди ва жума куни биринчи кўрсатмаларни бериши мумкин.

* * *

Мэриленд штатидаги автоҳалокатдан кейин АҚШ Мудофаа вазирлиги Ф-117А русумли янги қирувчи самолётларнинг ҳавога кўтарилишини таъқиқлади.

* * *

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, АҚШ ҳарбий сунъий йўлдоши «Мир» станциясига 430 метр яқин масофадан учиб ўтган.

Ўзбекистон — жаннатмакон юрт

ҒОЗҒОН МАРМАРИ

Мамлакатимизда буюк келажак сари катта ишларга қўл урилаётгани, муҳими, улар иқтисодий салоҳиятини намоён қилаётганини биламиз. Буни кўриб турибмиз ҳам. Яқинда Нуротадаги Ғозғон мармарининг туганмас эканлигини эшитиб, яна бир қарич ўсгандай бўлдим. Агар пойтахтнинг «Халқлар дўстлиги», «Туркистон» саройлари, метрополитен бекатлари ва Темурийлар тарихи давлат музейида Ғозғон мармарининг ишлатилганлигини ҳисобга олсак, унинг қимматлилигини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ҳозирда қурилаётган ҳашаматли биноларда ҳам шу мармардан фойдаланиш кўзда тутилган. Бунинг устига ҳозир оддийгина бекат, дўконча ёки сартарошхона қурилишида ҳам бинокорлар мармар тошларни ишлатмоқда. Демак, мармарга талаб ошяпти. Шундай экан, бугунги кунда «Ғозғонмармар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлар қандай? Шу мақсадда жамият раиси Абдураим ҲУСЕНОВ билан суҳбатлашдик.

— Абдураим ака, Ғозғон мармари таърифи ҳақида сиздан билишни истардик. Чунки, эсингизни танибсизки, мармар тош кўз ўнгингизда қазиб олинади. Бунинг устига шу ерда аввал чиланғар, сўнг экскаваторчи, Тошкент политехника институтида ўқиб, уни муваффақиятли битиргач, турли вазифаларда ишлагансиз ва 1990 йилдан раҳбарсиз. Ғозғон мармари бошқа ерлардан қазиб олинаётган мармарлардан қандай фарқ қилади?

— «Ғозғонмармар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари қазиб олаётган мармар бошқа ерлардан олинаётганидан фарқи, унинг ўта жипслиги (пишиқлиги) ва камалакранг жилосидир. Ғозғон қишлоғидан мармар қазиб олиш тарихи узоққа бориб тақалади.

1970 йилда бу ерда саноат ишлаб чиқариш ташкилоти сифатида иш бошланган. Дастлаб йилига 400 куб мармар харсанглари қазиб олинган. Мустақилликка қадар собиқ иттифоқнинг деярли ҳамма мармарни қайта ишловчи корхоналарини хом ашё билан таъминлаб турди.

Ҳозирда иш қўлами янада кенгайган. Йилига 20 минг квадрат метр мармар плиталари, 2000 куб. метр мармар харсанглари ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш маҳсулотга талабгорларнинг истагига мос тарзда олиб борилмоқда.

— Ҳиссадорликка ўтилгандан сўнг, унинг афзалликлари сезиляптими?

— Албатта. 1995 йилнинг февралидан ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаяпмиз. 530 нафар ишчи кучига эгамиз. Уларнинг ҳар бирида 30 тагача акция бор. Дастлабки йили ҳиссадорлар 100 сўм қийматига эга бўлган ҳар бир акция ҳисобига 88 сўмдан дивиденд олган бўлса, ўтган йили учун 279 сўмдан ошириб дивиденд оладиган бўлди. Бир сўз билан айтганда ҳар бир ҳиссадор иш юритишнинг янги шаклини тушуниб етди. Умумий чиқарилган акцияларимизнинг 51 фоизи улар қўлида.



— Ҳиссадорлар жамиятнинг истиқболини яна нимада, деб билади?

— Иш жойингнинг истиқболига, унинг келгусидаги тараққиётига ишонч қилмасанг ишдаги суръатга путур етади. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси «Ғозғонмармар» дунёдаги туганмас хом ашё заҳирасига эга корхоналар рўйхатига кирганлигини яхши билади. Шу боис ҳам ишдаги самарадорлик ошса ошадики, сира суриштирмайди.

— Маҳсулотларингизнинг асосий харидорлари қайси корхоналар ҳисобланади?

— Асосан «Ғазалкент», «Тошкент» ва «Олмалиқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари. Бундан ташқари республикамизнинг барча вилоятларидаги тошни қайта ишловчи корхоналари бизнинг мармар тошларимизнинг талабгорларидандир. 70 га яқин хорижий давлатлардан қўшма корхона тузиш ҳақида таклифлар олдик. Катта миқдордаги тайёр маҳсулотларимиз бор. Хуллас, харидорларнинг исталганча талабини бажара оламиз.

— Юқорида хорижий давлатлардан ҳамкорлик қилиш ҳақида таклифлар тушганлигини айтдингиз. Хўш, бу борада нималар қилиняпти?

— Бугунги кунда Италиянинг «Серма» ташкилоти билан биргаликда қўшма корхона тузганмиз. Низом, ўзаро шериклик ҳақида шартномалар тайёр. Италия бунинг учун 2 млн. 163. минг 700 АҚШ доллари ажратмоқда. Келгусида нафақат мармар харсанглари қазиб олиш, балки уни қайта ишлаш йўлга қўйилади. Бу борада Италиянинг «Педрини» ва «Мекилати» фирмалари билан ҳам ўзаро аҳдлашувлар олиб борилмоқда.

— Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасида иш самарадорлигини ишчиларнинг моддий ва маънавий рағбати белгилайди...

— Ҳиссадорларимиз маоши билан қизиқаяпсиз чоғи?

— Шундай.

— Жамиятимиз аъзоларининг ўртача ойлик маоши 4000 сўм. Бизда ўттиз йилдан ортиқ ишлаётган илғорларимиз кўп. Ўттиздан ортиқ олий маълумотли ва шунга яқин ўрта махсус маълумотга эга мутахассисларимиз ҳиссадорларга бош-қош. Улар учун соғломлаштириш ва маиший хизмат уйи ишлаб турибди. Асосий ишчи кучимиз Ғозғон қишлоғи одамларидан ташкил топган. Шунинг учун ўз кучимиз билан 360 ўринли мактаб қуриб фойдаланишга топширдик. «Мармаробод» қишлоғида аралаш моллар дўкони ва тиббиёт пункти қурилишини тугалламоқдамиз. Ҳозирда яна 320 ўринли мактаб қурилишини бошлаб юбордик.

«Ғозғонмармар» атрофида 9 та маҳалла бор. Шундан 3 та маҳалла кўчаларига газ қувурлари тортилди. Шунингдек, келгусида барча маҳаллани газ билан таъминлаш мақсадида Нуротадан Ғозғонга катта босимдаги газ қувури олиб келинмоқда. Пировардида 2000 ўринли ўйингоҳ қурилиши ва 5 гектарлик истироҳат боғи ободонлаштирилмоқда. Илғорларимиздан Воҳид Ҳабибов, Камол Обидов, Сафарқул Маматов, Алибой Шомуродов ва Негбой Ҳакимовлар ҳиссадорлар фахри эканлигини айтиб ўтмасам бўлмас. Улар барча пармаловчи ва тош кесувчиларга намуна.

Ўзбекистонимиз жаннатмакон юрт. Унинг кенг далаларидаги кўзга тутиё қилувчи тупроғидан ташқари, тоғу тошлари ҳам бебаҳо ва туганмасдир. Сержило мармарларга эга Ғозғон мармари эса унинг бир бўлаги, холос. Шу ерда фахр туйғусида ёнган ва меҳнат қилаётган ҳиссадорлар ҳам миллонлаб ўзбекистонликларнинг вакилларидир. Уларнинг ишига, умидли ҳамда қувончли табассумига кўз қиримизни ташлаб, келажагимизнинг буюклигига ишонч янада ошди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Эркин ЭСИРГАДИЕВ суҳбатлашди.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ДАНДОНЛАРНИ БИР САФГА ТЕРИБ

Тиш оғриғи иситмасиз дард. Қўлингиз ишга бормайди, кайфиятингиз чоғ бўлмайди, овқатга ҳам қарагингиз келмайди. Шунда биласиз, бир текис терилган садаф тишлар қадрини. Тишларни танамизнинг тегирмони, деб бежиз айтишмайди. Ҳар қалай ёш ўтгандан кейин бу дандонлар бирин-кетин «лат» ейиши табиий. Шифокорга мурожаат қилишга мажбур бўламиз.

Мен ҳам «юрак ютиб» пойтахтнинг Миробод тумани, 1-стомотология шифохонасига йўл олдим. Бу ердаги саранжом-саришталик, тинчлик кайфиятимни кўтарди. Бош шифокор Ўлмас Зарипов қабул қилиб: «Ишингиз осон, сира чўчиманг. Худди табиий тишларингиздек мослаб қўйишади», деган муомаласидан сўнг дардим енгиллашди. Даволовчи шифокор Ҳусан Асилов муомаласидан оғриғни ҳам унутдим: «Мунтазам қатнасангиз тишларингизни аслига қайтариш мумкин. Ташвиш тортманг. Керак бўлса 32 нафар дандонингизни елкадош қилиб, бир сафга териб қўйишга ҳам имконимиз бор».

Дардни унутиб, руҳим енгиллашиб мамнуният билан қайтар эканман, бу шифохонада хизмат қилаётган ҳамшира Матлуба Мирахмедова, шифокорлар Зуҳриддин Камолов, Зокир Неъматиллаев, Мастура Мирсоатоваларга чин дилдан миннатдорчилик билдиргим келди.

Ёқутхон ХОЛМУҲАМЕДОВА.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚАЕРДА ЁЗ-ЁЗ, ЎША ЕРДА БАРАКА ОЗ»

Газетанинг 1997 йил 15 февраль сонида чоп этилган «Қаерда ёз-ёз, ўша ерда барака оз» сарлавҳали танқидий мақоласи текшириб ҳал қилиш учун Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Вилоят ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хати олинди.

Шўрчи туманидаги Т. Бердиев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Саидов 1995 йилда хўжаликнинг умумий йиғилишида бошқарув раиси этиб сайланган.

1995-1996 йилларда хўжаликнинг ҳамма соҳалари бўйича режалари ошиғи билан бажарилган. 1996 йил 20 июлда хўжалик бошқарувининг 9-сонли қарори билан 642 тонна буғдой аҳолига иш ҳақи ҳисобида берилган. 1997 йил давлатга ғалла сотиш режаси ҳам ошиғи билан бажарилди.

Хўжалик бошқаруви раиси М. Саидовга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракат содир қилган хўжаликнинг бир гуруҳ аъзолари туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 200-, 306-, 309-моддаларига асосан маъмурий тартибда жазоландилар.

Вилоят ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ.

Маҳалла - аҳиллик қўрғони

ЎН ИККИ МИНГДАН БИРИ...

Сайфулло ака Халилов 1993 йилдан буён пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Шаҳриобод» маҳалласи етакчиларидан бири. Маҳаллада 11500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар 22 миллат вакилларидан ташкил топган, бир оила аъзоларидек яшаб келмоқдалар. Республикада 12 мингдан зиёд маҳалла бор. Бошқалар қатори инсон манфаатлари йилида «Шаҳриобод» маҳалласида ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Сайфулло ака фуқароларнинг уй-жой, моддий ва маиший шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож маҳалладошларига моддий ёрдам кўрсатишни қаттиқ назорат қилибгина қолмай, аҳолига савдо ва намунали маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга ҳам бош-қош бўляпти.

Оқсоқол ўз маҳалласидагиларнинг яшаш тарзи, оилавий муҳити ва муаммоларини яхши билади. Маҳаллада «Намунали оилалар» жуда кўп.

Маҳалла оқсоқоли аҳоли ўртасида ХДП ташкилоти билан бир сафда жонкуярлик қилмоқда. Бугунгача маҳалладан 60 нафарга яқин ёш йигит-қизлар ва катта ёшлилар Халқ демократик партияси сафига киришди.

Маҳалла — аҳиллик қўрғони, юртнинг муҳим бўғини. Шу боис ҳам ХДП ташкилотлари маҳаллаларнинг аҳолиси фаоллари, оқсоқоллари билан мустаҳкам алоқада бўлишга доимо ҳаракат қилаверадилар.

Мукаррамхон ТОЛИПОВА, Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани кенгаши мафкуравий ишлар бўлимининг мудири.

АВТОСТАНЦИЯМИ ЁКИ БОЗОР?

Саволни ўқиб, бироз ажабланаётгандирсиз. Ростдан ҳам шундай. Четдан келган меҳмон билан «Чорсу» автостанциясига бормоқчи эдик. Илгариги «Спартак» стадиони ўрнида қурилган автостанцияга метропоездида йўл олдик.

Метродан энди чиққанимизни биламиз, нақ бозорнинг «тумшуғидан» чиқдик. Бу ерда қурт, «Хон», «Саратон», газсув ва ҳоказолар серобгарчилик. Тўкинчиликдан айланай деб юборасиз беихтиёр. Тартибсиз, айқаш-уйқаш, хилма-хил чодирлару қўлбола «дўкончалар» оралаб бир амаллаб автостанцияга етиб келдик.

Аслида бозор шу ерда тугаши керак эди. Афсуски, метродан чиқиш ҳам, кириш ҳам бозор «оқоваси» автостанцияга ёйилиб кетгани учун анча амри-маҳол бўлиб қолган. Ерга стол-стул, хонаки пештахталарни қўйиб олган сотувчилар. Одамлар шошиб, машиналар йўлини кесиб, у ёқдан-бу ёққа югуришади. Ҳақиқий «Ачавот»нинг ўзгинаси. Автостанциядаги бу тартибсизликка чек қўйишнинг иложи йўқми? Бор! Қаранг, метрога кириш жойида шу автостанцияга қатор замонавий дўконлар кўрк бағишлаб турибди. Унда ҳамма нарса муҳайё. Аммо ҳалигидек бозорчилар-ёймачилар унинг олдини тўсиб, ҳуснини бузиб турибди. Бозорчиларни автостанциядан бозор ичкарисига кўчириш мумкин-ку! Бинойидек кўркам магазинлар турганда, қўлбола ҳар хил «дўкончаларни» болалатиб юборишдан не наф?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан шу йил 15 августда муҳим қарори эълон қилинди. Бозорларимизнинг деярли барчаси ҳали талабларга жавоб бермаётгани таъкидлаб ўтилди. Унда автостанциями ёки бозорми, деганимизнинг боисини сиз билан биз-ку тушунамиз. Аммо «Чорсу» автостанцияси раҳбарлари ҳам тушуниб етишармикин? Вазирлар Маҳкамасининг асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида ҳам бу борада тартиб-интизомни яхшилаш вазифаси қўйилган. Юзлаб тадбиркорлар шинам ва кўркам, замонавий магазин ва дўконлар барпо этишяпти. Халқимизда пул ўлсина, дегандек уларнинг ҳуснини майда-чуйда чодирлару, «дўкончалар» дейсизми, ишқилиб, пулга тузоқ қўйганлар асло бузмаслиги керак!

Зийрак ТОШКЕНБОЕВА.

Лўқма

ЎЧАКИШИБ ЎЧИРИШДИ

Жиззах шаҳрининг «Иккинчи марказ» мавзесидаги 9-уй ертўласида водопровод қувури тешилиб, сув қўллагани оқибатида уй пойдевори зарарланибгина қолмай, санитария ҳолати ҳам бузилаётгани ҳақида «Ўзбекистон овози» газетасига ёзган эдим. Ўша «Домда ўрдак боқсам майлими?» сарлавҳали мақолам газетанинг шу йил 17 апрель сонида чоп этилди-ю, қўшниларим олдида хижолат бўлиб қолдим. Негаки, шаҳар «Сувоқава» корхонаси раҳбарлари илгари гоҳ-гоҳида юқори қаватларга ҳам чиқиб турадиган иссиқ ва совуқ сувни чиқармай қўйишди. Бунинг устига ертўламиздан ташқарига оқиб турувчи сув қувурини бекитиб ташлашгани ёмон бўлди. Юқори қаватдагилар эндиликда қўшни кўчадаги водопроводлардан сув ташияптилар.

Ж. КЕЛДИЁРОВ.

«Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги халқимиз, лекин асосий бойлиги аёллар».
Ислом КАРИМОВ.

ИСТИҚЛОЛ

«Жаннат оналар оёқлари остида» муқаддас ҳадисини бугун ким билмайди. Мазкур сўзларни тилга олиш, унинг маъзини чақа олиш ҳуқуқини қўлга киритгунимизга қадар не-не ўзбек аёллари авлодининг борлиғи мустамлака тузумининг дўзах оловида ёнди. Озодлик шамоллари эсаётган бугунги кунимизда истиқлол берган неъматлар ҳақида кўп сўзлаймизу, бироқ бу кунларга етиб келгунимизга қадар миллатимиз, унинг ибтидоси бўлмиш ўзбек аёллари бошидан ўтказган кечмишлари ҳақида кўп ҳам эслайвермаймиз.

Ўзбек аёли! Нақадар муқаддас ва жарангдор ибора. Биз ҳатто уни тарихий ва истиқболли ибора деган бўлардик. Зеро, унда Тўмарис онанинг шижоати ва муҳаббати, Сароймулкхонимнинг виқори ва донолиги, Нодирабегимнинг санъати мужассамлашгандир.

Унда келажаги буюк ўзбек давлатининг оилапарвар, ижодкор, сиёсатдон, покиза аёлларининг, Она ўзбекнинг қудрати мужассамлашган.

Бир эслайлик, ўша босқинчи Куруш (Кир) васвасасига қарши туриб, шижоати билан юнонлик битикчиларни лол қолдирган Тўмарис онамизни.

Фарзандидан ажралган Тўмарис жаҳонгир Курушга қарши чиқаркан нафақат ўз ўғлонини, балки энг аввало юртини, халқини ҳимоя қила олди. Кўзи қонга тўла босқинчига ўзбек аёли шижоатини намоён этди. Буюк жасорат соҳибаси, шавкатли, етук сиёсатдон Тўмарис номи не-не асрлар ўтсада ўчмади. Ҳатто биз мустамлака даврида азоб чеккан замонларда ҳам тарих саҳифаларидан тушгани йўқ.

Сароймулкхоним... Бу зотни етиштирган ҳам бугун биз ардоқлаётган шу табаррук тупроқ эмасми? Тамом дунё тизгинини Самарқанд олтин қозиғига бойлаган Амир Темур бобомиз ҳам Сароймулкхонимни деган, уни эъзозлаган. Демак, онани, аёлни, миллати ибтидосини ардоқлаган. Эл юзини ерга қаратмайдиган, оила, Ватанини асрайдиган ботирларни аёл дунёга келтиришини, парваришлашини Соҳибқирон чуқур англаганлар. Бугун эса ўзбек оналаридан туғилган авлод буюк Соҳибқиронни эъзозламоқда.

Нодирабегим! Ўзбек маънавиятини юксалишига беназир таъсир кўрсатган нозиктаб шоира. Нодирабегимнинг чуқур маъно йўғирилган ғазаллари халқимизнинг маънавий бойлигига айланган.

Нодирабегим асарларида XIX асрдагина эмас, қайси замонда бўлишидан қатъи назар ўзбек аёлининг орзу-умиди, қувончу-ноласи, муҳаббатию-армони ўзининг теран ифодасини топган. Шу боис ҳам орадан талай йиллар ўтиб кетганига қарамасдан шоира ғазаллари ўзининг бадиий қимматини йўқотгани йўқ.

Нодирабегим нафақат шоира, балки ўз даврида хонликни бошқарган халқнинг тинчлиги ва осойиши йўлида ўзининг иқтидори ва салоҳиятини аямаган ўзбек аёлидир. Нодирабегим муҳаббатда кўпчиликка ибрат бўлгулик ҳаёт кечирган. Айтишларича, кунларнинг бирида Умархон саройда жаҳл устида маликага аччиқ-тизиқ сўз айтади ва «Саройдан ўзингизга нимани қимматбаҳо деб билсангиз, шуни олингда, отангизникига кетаверинг», — деб жавобини беради. Умархон айшу-ишратга берилган тун эди бу. У ҳеч нарсани ҳис этмасди, аммо эртаси кун ўзига келганда қандайдир яйдоқда арава устида кетаётганини кўради, аравани Нодирабегим бошқариб борарди. Умархон қандай воқеа рўй берганини англолмай бегимни саволга тутди, Нодирабегим айтдики: «Кеча оқшом менга саройдан ўзингизга азиз билган нарсани олиб отангизникига кетаверинг деб жавобимни берган эдингиз. Мен учун энг азиз киши сиз. — Мана сизни олиб отамникига кетаяпман...»

Ўз қилган ишидан минг бир пушаймон Умархон Нодирабегимнинг зукко ақлига тан бериб, шу заҳотиёқ кечирим сўради ва саройга қайтариб олиб келди. Ким билсин, бу воқеа ҳақиқатдан бўлгандир.

Балким йўқ. Аммо унинг маъзида ўзбек аёлининг оиласига садоқати мужассамлашгандир.

XIX асрда қизлар таълими ва тарбияси шундай мукаммал йўлга қўйилган эдики, киши беихтиёр ҳайратга тушади. Қизлар мактабида дунёвий фанлар билан бир қаторда нафис санъатнинг кўпгина турлари бўйича машғулотлар олиб борилган. Анбар отин, Жаҳон отин, Увайсийлар мактаб очиб, қизларга сабоқ беришган. Шунинг учун халқ уларни отин дея эъзозлаган. Анбар отин, Жаҳон отин, Увайсий ва Нодира каби зукко аёлларимиз ўзларининг асарлари ва теран қарашлари билан маънавиятимизнинг сақланиши ва юксалишига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Тўмарис шижоатидек жасоратли Анбар отин ўзининг «Қоралар фалсафаси» асарида шундай ёзади: «Ўрус подшоси ҳақиқатдан ҳам одил ва адолатли бўлса, ерли халқни ўрус миллати билан бир қаторда кўрсин».

Истиқлолга қадар, «паранжисидан ташқарини кўрмаган» дея камситилиб келинган XIX аср ўзбек аёлининг ижтимоий воқеликни бундай теран тушуниши ва ўзининг фикрларини дадил айта олишидаги қудрат қанчалар! Ўзбек аёллари орасида ана шундай шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, суҳандон шоиралар ва зукко санъатшунослар етишиб чиққан.

Кўкрагини кенг кериб, ўзбек аёлини юзини очдим, дея дуёга жар солиб, аммо уни қулга айлантирган ўша совет тузуми эмасми? Пахтазорларда ягана-чопиқдан бошлаб йиғим-терим вақтларида бош кўтармай меҳнат қилган ўзбек аёллари кимнинг фойдаси учун ишлади, ўз халқи, ватани манфаати учунми ё келгинди зўравонлар учунми?

Заҳар сочаётган самолётлар тагида, этакларини ердан кўтара олмай, 70-80 кг. тошдек юкни нозик елкасига кўтариб, хирмон кўтарган ўзбек аёлларимиз ўзи учун ҳаттоки кўрпа-ёстиғига ҳам пахта тополмасди. Унинг ўрнига дефолияция асоратидан ногирон фарзандлар орттирди, холос. Инсон умри унинг фарзандларида давом этади, ахир соғлом авлодни соғлом оналар яратадилар-ку? Аёлларимиз соғлиги учун ким куюнди, ким ғамхўрлик қилди, уларга қандай шароитлар яратилиб берилганди. Оддий туғуруқхона бунёд этиш «марказ»нинг рухсатисиз амалга ошмаганлигини биз ҳали ёддан чиқарганимиз йўқ. Миллат эрки йўқ бўлгач оналар озодлиги йўқ бўлади, демак.

Москванинг «тинчлик» сиёсати оқибати — афғон уруши қурбонлари — ўз ўғиллари солинган темир тобутни қучоқлаб қолавердилар. Онаизор фарёдини ким тинглади? Ўзбек аёлларини эркакшода қилиб, атласу-нақш дўппилари ўрнига, комбинизонларни кийдириб илғор механизатор деб, йиғим машиналарига ўтказиб қўйишди. Эркаклар билан тенгма-тенг қурилишларда, заводларда оғир меҳнатга гирифтор этган ҳам ўша тузум эмасми?

Ваҳоланки, худди шу йилларда бошқа мамлакат аёллари манфаатлари қонун билан ҳимоя қилинарди. Масалан: 1935 йил 21 июнда Женевада қабул қилинган «Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида»ги 47 Конвенция, 1936 йил 24 июн-

1 2 3

Омон султонлигининг ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавийнинг Россия Федерациясига уч кунлик давлат ташрифи ниҳоясига етди. У Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан музокаралар олиб борди. Вазирлар учрашув натижаларидан мамнун эканликларини билдиришди.

***

«Интернет» ахборот тизими маълумотларига кўра, Душанбеда Тожикистонда миллий келишув комиссияси ишламоқда. У тўртта кичик комиссия таркибида иш кўрмоқда. Сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий ва қочоқлар масалалари муҳокама этилмоқда. Комиссияларни ҳукумат томони ва бирлашган тожик мухолифати томонидан икки кишилик вакиллар гуруҳи бошқармоқда. Мухолифат раҳбари Саид Абдулло Нури: «Беш йиллик фуқаролар урушидан кейин тожиклар ўзаро тушуниш ва барқарорликка эришдилар»,

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

— дея қайд этди.

***

Доғистон Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлисида бошқарув органларида давлат ва ижро интизомини яхшилаш масаласи кўриб чиқилди. Доғистон Давлат матбуот хизмати бошлиғи Ризвон Ризвоновнинг таъкидлашича, барча вазирлар ўзлари бошқараётган муассасаларда ижро интизоми ҳолати учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилганлар.

***

Дания мудофаа вазири Ханс Хеккер уч кунлик расмий ташриф билан Украинада бўлди. Украина мудофаа вазири Александр Кузьмук билан музокаралар олиб борди. Ҳар иккала давлат Мудофаа вазирлиги муассасаларининг ҳамкорлик истиқболлари, Европа хавфсизлиги муаммолари, НАТОнинг шарққа томон кенгайиши ҳамда Украинанинг тинчлик ўрнатувчи операцияларда иштироки масалалари муҳокама этилди.

***

Брюсселдаги НАТО қароргоҳида мазкур блок ва Польша вакилларининг ушбу мамлакатнинг Шимолий Атлантика альянсига қўшилиши борасида музокаралар бўлиб ўтди. Маълумки, НАТОнинг Мадридда ўтган саммитида Польша Венгрия ва Чехия қаторида НАТОга «биринчи тўлқин» билан қўшиладиган давлатлар сафида тилга олинганди.

«ТЕРМИНАТОР» ҲАЁТГА ҚАЙТДИ

Голливуднинг энг машҳур киноюлдузларидан бири Арнольд Шварцнеггер 50 ёшга тўлди. Бахт ва бахтсизлик ораси бир қадамдир. Юлдузнинг очиқ турда қилинган тиббий жароҳлик операцияси унинг ҳаётини сақлаб қолди.

Ҳаммага маълумки 14 апрель 1997 йилги «Мистер Олимпия» ва «Мистер Коинот» конкурсларининг ғолиби, Голливуднинг энг бадавлат актёри, умумий молиявий даромад манбаи 100 миллион АҚШ доллари билан баҳоланаётган — Арнольд Шварцнеггер Лос-Анжелосдаги Жанубий Калифорния университетига қарашли шифохонага ўзининг 15 шахсий соқчиси кузатувида шошилинч равишда келтирилди. Шифохонани айлана шаклда ўраб олган Шварцнеггернинг шахсий соқчилари фоторепортёрларни шифохонага умуман яқин йўлатишмади.

Шварцнеггернинг хотини, тележурналист Мария Шривер бир дақиқага ҳам шифохонадан нари жилгани йўқ. Оиланинг бошқа аъзолари эса шифохонанинг махсус автомобиллар тўхташ йўлкасида жойлашган микроавтобусларида кутишди.

Улар ўзларининг тўртинчи фарзандларини кутишаётгувди. Шунданми, Арнольд ўз хоҳиши билан шифохонага ётмасди. Арнольд 49 йилдирки, туғма аортал юрак хуружидан азоб чекарди. Арнольд хасталигини тан олмасди, лекин шифокорлар: «Зудлик билан қилинган жарроҳлик операцияси «Терминатор»нинг ҳаётини сақлаб қолди», — дея таъкидлайдилар. Оила аъзолари уни яширинча тиббий текширишдан ўтказдилар. Текширув натижалари уни зудлик билан операция қилиш зарурлигини тасдиқлади.

Арнольд бу хабарни эшитиб: «Агар инсоннинг олдида ўлим ёки ҳаёт масаласи кўндаланг туриб қолса, бундан-да мушкул аҳвол бўлмас экан», — дея иқрор бўлди яқин дўстларидан бирига.

Арнольд шифохонага олиб келинган куннинг эртасига — 15 апрель куни операция қилинди. 3 соат давом этган операция ёрдамида унинг аортал юрак клапани алмаштирилди. Операция муваффақиятли ўтди!

Арнольд: «Операциядан уйғонгач, кўзим биринчи бўлиб, тепамда эгилиб қараб турган Марияга тушди. Ҳали Мария менга бунчалик гўзал бўлиб кўринмаган эди», — деди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

БУ САФСАТА ЭМАС

Американинг «Боинг» компанияси «Ю-Эс Эругез» авиакомпаниясини компанияга берилган буюртмани бекор қилгани учун судга берди. «Боинг» 48 та самолёт, жумладан 8 та «Боинг-757» ва 40 та «Боинг-737» самолётига буюртма олган эди. Буюртма берилган самолётларнинг умумий баҳоси 2 миллиард 200 миллион долларни ташкил этади.

* * *

Европанинг янги валютаси «Евро»ни Европа Иттифоқидаги давлатлар миллий пулига нисбатан алмашув курси 1998 йилнинг май ойида эълон қилинади. Бу ҳақда Люксембургнинг бош вазири Жан Клод Юнкер эълон қилди. Ягона Европа валюта майдонига кирувчи давлатларнинг рўйхати ҳам 1998 йилда маълум қилинади.

* * *

Австрия пойтахти Венада биринчи марта роботлар ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Ҳар бир команда таркибида икки ўйинчи ва дарвозабон бор эди. Мусобақа тўлиқ футбол қоидалари асосида ўтди ва 5:2 ҳисобида командалардан бири ғойдасига ҳал бўлди. Бундай мусобақани ўтказишдан мақсад роботлар инсон қиладиган барча ишни уддалаши мумкинлигини кўрсатиш эди. 1998 йилнинг 25-26 апрель кунлари роботлар ўртасида футбол бўйича биринчи Европа чемпионати ўтказилиши мўлжалланган.

* * *

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг Брюсселдаги кенгашида Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук НАТОнинг тинчлик ўрнатувчи кучларининг Боснияда бўлиш муддатини узайтириш ҳақида таклиф киритди. Унинг фикрича, Боснияда сайловлар тинч ўтганига қарамай, режа бўйича келгуси йилнинг июнь ойида тинчлик ўрнатувчи кучлар Босниядан чиқиши бу ерда амалга оширилган бутун ишларни чиппакка чиқариши мумкин.

Марказий Осиё ўйинлари

МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ БОЙИТИБ

Олти кундирки Қозоғистон пойтахтида иккинчи марта ўтказилаётган Марказий Осиё ўйинлари байроғи ҳилпираб турибди. Қизғин ва муросасиз баҳслар тимсоли ҳисобланувчи машъала эса ловулламоқда. Туронзамин ёшлари медаллар шодасини бойитишга, очколар ҳисобини оширишга, мавқеларини мустаҳкамлашга зўр бермоқдалар. Зеро, ғолиблик супасига кўтарилиш ўз Ватани байроғини ҳилпиратиб, давлат мадҳиясини таралишига эришиш осон кечмайди. Бунинг учун ҳар бир спортчидан сабр-матонат, маҳорат кўрсатиш тақозо этилади.

Умумжамоа ҳисобида биринчи бўлиш учун кураш асосан Қозоғистон ва Ўзбекистон спортчилари ўртасида давом этмоқда. Маълумки, Ватанимиз йигит-қизлари илк марта Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё ўйинларида ғалаба қозонишган эди. Улар бу сафар ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, дзюдочиларимиздан Андрей Штурбабин, Фарҳод Тўраев, Армен Багдасаровлар дастлабки олтин медаллар соҳиби бўлдилар.

Баскетболчи йигитларимиз Қирғизистон жамоасини 78-58 ҳисобида енгишган бўлса, қизларимиз ҳам шу жамоадан 90-74 ҳисобида устун келишди. Волейболчилар ҳам Қирғизистон жамоасини мағлубиятга учратишди — йигитлар 3:1, қизлар 3:0 ҳисобида ғалаба қилишди. Шунингдек, қизларимиз Туркманистон волейболчиларини 3:1 ҳисобида енгдилар. Умумжамоа ҳисобида баскетбол ва волейбол бўйича иккинчи бўлишди. Эркин курашчиларимиз ҳам ғолиблик супасини қўзладилар. Жумладан, Руслан Хинчагов, Игорь Купеевлар Марказий Осиё ўйинлари ғолиби бўлишди.

Юртимизда бокс энг ривожланган ва оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Яқинда йигитларимиз Малайзияда ўтказилган Осиё чемпионатида зафар билан қайтган эдилар. Улар Алмати мусобақасида ҳам бўш келишмади. Ғолиблик учун кураш қозоқ ва ўзбек боксчилари ўртасида давом этди. Кеча финал ўйинлари бўлди. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган бу мусобақада 12 вазндан 11 тасида Ўзбекистон, 10 тасида Қозоғистон боксчилари рингга кўтарилдилар. Юрдошларимиз биринчи бўлишди.

Яна бир кундан кейин мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлади. Бугун-эрта эса оғир атлетика, теннис, юнон-рум кураши, қиличбозлик, велопойга, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича якунловчи мусобақалар ўтказилади. Ўйлаймизки, вакилларимиз кўтаринки руҳда ҳаракат қилиб, ишончимизни оқлашга интиладилар.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ

1998 йилда Венесуэлада навбатдаги президент сайловлари ўтказилади. Сайловда «Венесуэла маликаси — 81" конкруси ғолибаси 36 ёшли Ирена Саез ҳам ўз номзодини қўймоқчи. Экспертларнинг мулоҳазасига кўра, у мамлакатда шу қадар машҳурки, сайловларда унинг ғалабаси кафолатланган. Унинг президент лавозимини эгаллаши мамлакатда қандай вазиятни юзага келтириши ҳақида бир нарса дейиш қийин.

Аломат гаплар

Флорида штати. Орландо шаҳрида кўпчилик шоп мўйлов «юлдуз» — Уолли ва Эломни яхши танийди. Негаки, улар «кимнинг мўйлови зўр?» дея кўп бор тортишишган-да. Шундан сўнг орландоликлар расман мусобақа уюштирмоқчи бўлишди.

Уолли — денгиз моржи, Элом Кордовски эса унинг тренер-ўргатувчиси. Тренер-ку кўпда «биринчилик»ни даъво қилавермайди. Лекин морж-чи? Унга керак чамаси «ғолиблик». Эломни кўриши билан тумшуғини унинг бурнига теккузгудек бўлиб

ШОП МЎЙЛОВЛАР

ниқтагани-ниқтаган. Тренери унинг «шоп мўйлови»га тан бергандек силаб қўйгач, уям ўз навбатида илтифот кўрсатиб Эломнинг мўйловини «силаб-ялаб» нари кетади. Шундай кезлари дарров ҳангоматалаб томошабинлар ҳам тўпланиб қолишади.

Шу тариқа мусобақа очилди. Ҳакамлар «юлдуз»ликка даъвогарларни бироз кузатишди. Биласизми, ҳатто йиғилганлар ичида «ғолиб мўйлов» учун гаров тикканлар ҳам бўлишди. Анча баҳс, тортишувлардан сўнг кўпчилик овоз билан Уолли-морж «денгизнинг шоп мўйлов юлдузи» деган совринни қўлга киритди. Ҳамма «юлдуз»ни қутлади.

Морж ақлли жонивор. Табрикларни «қабул» этиб, ўзига шон-шуҳрат келтирган мўйловини селкиллатиб қўярди. Кимдир бўйнига гулчамбар тақди. Элом бўлса уни завқ билан кузатиб турарди.

Шунда кутилмаган воқеа юз берди. Морж тренерини келиб яна ялай бошлади. Йиғилганлар ҳайрон. Бўйнидаги гулчамбарини олдинги оёқлари билан «олиб», Эломнинг бўйнига илмоқчи бўлди...

Жониворлар ҳамиша ўз ўргатувчисига қаттиқ боғланиб қолишади. Уолли ҳам тренери билан минг «мўйлов» талашсада» Эломга ўрганиб қолган. Қизиғи, шу баҳсдан сўнг морж тренери билан ҳеч ким «бас бойлашмайдиган» бўлиб қолди.

Санда БОНУ тайёрлади.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Украинанинг Николаев вилоятида «Казак дашти-97» ҳарбий ўқув машқлари НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилмоқда. Унда Украина, Буюк Британия ва Польшанинг ҳаво десанти қўшинлари қисмлари иштирок этмоқда.

* * *

Машҳур Россия қўшиқчиси Иосиф Кобзон 215 Агинск—Бурятия автоном округидан Россия Давлат думасига депутат бўлиб сайланди. Дастлабки натижаларга кўра, якшанба куни сайлов участкаларига келганларнинг 80 фоизи яқинда эстрададан бутунлай кетишини айтган машҳур қўшиқчи номзодини қўллаб-қувватлаганлар.



СОЙ СОҲИЛИ СЎЛИМ-СЎЛИМ. **Ҳ СОЛИҲОВ олган сурат.**

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

Ҳиндистоннинг Мадхьяпрадеш штатида рўй берган темир йўл ҳалокати туфайли юздан ошиқ киши ҳаётдан кўз юмди. ПТИ агентлиги маълумотига кўра, йўловчилар поездининг беш вагони рельсдан чиқиб, баланд кўприкдан Хансдев дарёсига қулаб тушган. Ҳалокат пайтида вагонларда 300 нафар йўловчи бўлган.

* * *

Прагада тўртинчи халқаро авиа фестиваль «CIAF — 97» якунланди. Унда НАТО ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури иштирокчилари бўлган ўн саккиз давлат вакиллари қатнашди. 150 дан ортиқ турдаги ҳар хил ҳарбий самолётлар намойиш этилди.

АЁЛЛАРИ

да Женевада қабул қилинган «Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар тўғрисида»ги 52 Конвенция, 1919 йилда Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 103 Конвенция, 1964 йил 9 июлда Женевада қабул қилинган «Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисида»ги 122 Конвенция, 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциялар совет тузумининг пинагини ҳам бузмади. Ҳеч бўлмаганда аёллар учун. Аёллар учун вақтни қисқароқ ёки бирон енгилликлар яратиб бермади. Меҳнатни қилди-ю роҳатини кўрмади. Топгани «ўзбек иши»ва»порахўр ўзбекнинг» онаси тамғаси бўлди.

Бугун биз озодмиз, зеро Ватан мустақил. Ўзлигимиз, ўзбеклигимиз тикланди. Мустақиллик шарофати билан ўзбек хотин-қизлари эришганларининг қай бирини айтай. Ўтган қисқа вақт мобайнида мустақиллик шарофати билан ўзбек аёлларининг ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари тикланди, улар ўзларининг барча имконларини рўёбга чиқариш шарофатига эга бўлдилар. Давлатимизнинг Бош Қонунини — Конституциямизда аёлларимизнинг сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари, оилавий муносабатлардаги ўрни, оналик ва болалик ҳимояси, хотин-қизларнинг жамоат ташкилотларига уюшиш каби ҳуқуқлари ўз аксини топгандир.

Истиқлол йилида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига асос солинди. Мазкур ташкилот нафақат мамлакат ички ижтимоий ҳаётида балки халқаро миқёсда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жаҳон аёллари ташкилотлари ҳамкорлиги билан йўлга қўйди, Марказий Осиё аёллари конгресси, МДҲ мамлакатлари халқаро хотин-қизлар иттифоқи (Альянс) каби халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси АҚШ, Туркия, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Хитой, Олмония, МДҲ ва бошқа қатор мамлакатларнинг аёллари ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Дунё мавҳум «совет» аёлини эмас, ўзбек аёлини таниди, танимоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1995 йил 2 мартда Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил қилинган. Фармонга биноан хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман, шаҳар, хотин-қизлар қўмитаси раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди. Бошқача айтганда, бугунги кунда мамлакат, вилоят, шаҳар, туман раҳбарлигида тўғридан-тўғри 250дан ортиқ аёлларимиз фаолият кўрсатмоқдалар. Умуман олганда, бошқарув идораларида 25 минг атрофида ўзбек аёллари — замонамиз сароймулкхонимлари хизмат қилмоқдалар.

Ўзбек аёллари астойдил ва салоҳият билан жавлон ураётган яна бир соҳа шубҳасиз иқтисодиёт майдонидир. Жамиятимиз ҳаётида, мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этувчи бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида аёлларимиз тутаётган ўрнига диққатни қаратмоқчиман. «Эрни эр қиладиган хотин» дейди халқимиз. Бу ҳикматда катта тарихий ва ҳаётий ҳақиқат бор. Рўзғорини саранжом-саришта, тежамкорлик билан тутадиган аёл ўз оиласини юзага олиб чиқишини ким билмайди дейсиз. Бугунги кунда аёлларимиз мамлакат рўзғорида ҳам халоллик ва ишбилармонлик билан фаолият кўрсатаётганликларини яхши биламиз. Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг сони ҳозирда 20 мингдан ошиб кетди. 1991 йили ташкил қилинган Ўзбекистон ишбилармон аёллари уюшмаси, мана олти йилдирки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муносиб ўрин тутиб келмоқда, халқаро миқёсда ҳам алоқаларни йўлга қўйганлар. Ҳозирги уюшма ўз сафида 3 мингдан ортиқ тадбиркор аёлларни бирлаштирган. «Зумрад» маданий маркази, хотин-қизларнинг «Ҳимоя» ҳуқуқ маркази, «Тадбиркор аёл» ташқи иқтисодий фаолият фирмаси, «ТРиО психологик маркази», «ДРИМС» ателъеси, «Салбасил» саёҳат фирмаси каби қатор муассасалар ҳам уюшма доирасида ташкил қилинган.

Шунингдек, уюшма БМТ ваколатхонаси, Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури асосида ташкил қилинган Бозор ислоҳотларини ривожлантириш маркази билан яқиндан алоқаларни қўйган.

Озодлик шабадаси эса бошлаган мустақиллик йиллари ҳеч бир муболағасиз илму-маърифат, ижод соҳаси ривожи учун каттадан-катта имконлар очиб берди. Зеро, ижод эркинликни талаб қилар экан, эркин жамиятдагина самарали ижод қилиш мумкин. Бу фикр тўғридан-тўғри ўзбек ижодкор аёлларига ҳам тегишли. Ҳозирда мамлакат илм жабҳасида эллик минг атрофида киши меҳнат қилаётган бўлса, шулардан тахминан йигирма минги аёллар. Фан докторларининг 11 фоизи, фан номзодларининг 26 фоизи ҳам олималаримиздир. Шу маънода 1992 йили тузилган «Олима» аёллар уюшаси фаолиятига тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган олималарни бирлаштириш, истеъдодли ёш ижодкорлар малакасини ошириш, қўллаб-қувватлаш, чет эллик ҳамкасблар билан алоқа боғлаш, ҳамкорлик қилиш, умуман олималаримизнинг замонавий вазифаларни ҳал этишга жалб этиш мақсадида ташкил қилинган мазкур уюшма қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, жаҳондаги кўплаб хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Халқаро миқёсда анжуманлар, симпозиум ўтказилди. Олималаримизнинг чет эллардаги илғор илмий марказларга юбориш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Масалан, Буюк Британиянинг Билтон коллежи билан тузилган шартномага кўра бир қатор олималаримиз 1997 йилда мазкур коллежда бир йиллик малака ошириш курсларида машғулотларда қатнашмоқдалар. Худди шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги 70 мингга яқин ватандошларимиздан 30 мингдан ортиғи аёллар. Фарзандларимизга таълим-тарбия бериб, уларни Ватан учун тайёрлаётган маърифатчиларимизнинг учдан икки қисми (тахминан 600 минг) ҳам аёлларимиздир.

Аёлларимиз салмоғи ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам сезилмоқдалар. Ҳозирда мазкур соҳаларда 350 мингдан ортиқ аёлларимиз фаолият кўрсатмоқдалар. 5300 дан ортиқ врач, акушер-гинекологлар, 1400 га яқин маслаҳатхоналар, 350 дан ортиқ туғуруқхоналар эса тўғридан-тўғри хотин-қизларимиз саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Албатта, ўзбек аёлларининг истиқлол йилларидаги жамиятда тутган ўрни, хотин-қизларга давлат ва жамият томонидан берилаётган эътибор тўғрисида кўп ёзиш мумкин. Шу билан бирга юқоридагиларнинг ўзиёқ ўзбек аёлларининг мустақиллик шарофати ила ижтимоий фаоллиги нақадар ижобий сифат касб этганини яққол намойиш этади!

Шаҳзода МУҲАМЕДОВА.

Миллат ва маънавият

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 18 sentabr, payshanba № 110 (22.194).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 33 босма тобоқ нусхада босилди

Ҳажми 2 босма тобоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0578

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЮРТИМ КЎРИБ, ЯНА МИНГ БОР ЯШАРДИМ

Шеър ва шуур

ЯШАШ — КУРАШ

Даладан, қирлардан, боғдан ошардим,
Тўсиқ бўлмаганда Султон Ваис тоғ.
Юртим кўриб яна минг ёш яшардим,
Кўриб йўллар мени доим вақти чоғ.

Айтинг, яна нима деган одамман,
Етмасам қадрига меҳнаткаш қўлнинг.
Ота Туркистондек қутлуғ қадамман,
Бахти очилмагай менсиз Тўрткўлнинг.

Ахир мен шу кўйга тушмасам балки,
Ўзни ўз ҳолимга қўймаганимда.
... Ҳам эл орасида бўлмасдим кулки,
Яшашни кураш, деб ўйлаганимда...

БУ КЎЗЛАР — ЎҚ

Кемтик эмас ҳаёт қўнгил тўлмагандан,
Бу юрак нима деб зориқар бунча.
... Сўзлар оёқ ости бўлмагани-чун,
Миннатдор у ўздан ўла-ўлгунча.

1

АСАКА... АС АКАМИ?

Яхши таассуротлар олиш учун Малайзия ё Швейцарияга ёинки бошқа бир ривожланган мамлакатга бориш шартми? Ўзимизнинг Асака ҳам қолишмайди. Гўзал манзараларию меҳмондўст, ширинсухан одамлари, қишин-ёзин гавжум чойхоналарининг ўзи бир дунё таассурот қолдиради! Агар Асаканинг тарихига назар ташласангиз ва яна озгина синчковлик қилсангиз, ўзингиз учун олам-олам янгилик топасиз.

Дастлаб қизиққаним «Асака» сўзининг маъноси бўлди. Уни излаб, номи «ас» қўшимчаси билан аталар экан. Бу сўз хакас тилида «дарё оғзи» дегани экан. Асака сўзи кўпроқ шунга тортади, чунки бу шаҳарда Шаҳрихонсой айқириб оқиб ётибди. У илгари вақтлар ҳозиргидан-да катта жойга ёйилиб оққан бўлиши мумкин.

«Асаканг кетадими?» деган иборани, афсуски атрофга қарасангиз Шаҳрихонсой илонизи бўлиб оққан водий кўринади. Водий ичида, ундан нарида, адир бўйлаб сочилиб кетган қишлоқлар, ниҳоятда сойнинг ўзи ажиб манзара ҳосил қилади. Уни томоша қилиб тўймайсиз! Сой бурилиб оқадиган жойлардан бирида катта одамлар гавжум. Дўстларингиз билан 3-4 киши бўлиб дам олмоқни истасангиз бозорўчар қилиб, овора бўлиб юрмайсиз. Тўппа-тўғри, қуруқ қўл билан чойхонага бораверасиз, биз шунча кишимиз, ош тайёрлаб беринглар, десангиз, бас. Сизни алоҳида хонага ўтказиб, кўк чой келтириб қўядилар ва бир соатга қолмай, сизнинг буюртмангиз бўйича қўй гўшти, қўй ёғига дамланган девзира ошни сопол лаганга сузиб келтирадилар.

Телефони бор чойхонага шаҳардан туриб буюртма берсангиз ҳам бўлади. Паловдан бошқа таомни ҳам пишириб беришади. Мана буларни ўзбекона сервис деса бўлади! Бундай хизмат турларини янаям ривожлантириш керак. Ҳозирги замоннинг талаби шу.

Асака кичкина шаҳарча бўлса-да, аҳолиси гавжум. Автобус ва йўналишли такси хизмат қилиб турибди. Аҳоли велосипеддан кўп фойдаланади.

Илгари Асакада пахта ташиш тиркамаларини чиқарадиган завод ишлаб турганидан кўпчилик бехабар эди. Энди унинг ўрнида замонавий техника ва технология билан жиҳозланган автомобиль заводи ишга тушдию шаҳар бутун дунёга танилди. Бу заводда нафақат Асака ва унинг теварак-атрофларидаги, балки бутун Фарғона водийсидаги аҳоли меҳнат қилаяпти. Водийлик ёшлар мураккаб компьютерлар ёрдамида автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини бошқараяптилар. Бу — эришилган катта ютуқлардан биридир. Умуман, Асака иқтидорли ёшларга бой. Нафақат автомобиль заводидаги мутахассислар, балки пойтахт корхоналаридаги ва олий ўқув юртларидаги олимлар орасида Асаканинг Чўнтагида тўп тепиб, сойга шўнғиб катта бўлганлар анчагина.

Қудрат ДЎСТМУҲАММАД.

Журналист мулоҳазалари

Минг ўлиб, кунда бир сўлар ҳар кеча,
Ҳижрон азобида куйиб ўлган йўқ.
... Бу сўз таъқиб қилар то Махшаргача,
Кўзлар — пок юракка нишон бўлган ўқ...

ҚАДРИНИ БИЛСИН

Арзийди сен-чун бахт югуриб-елса,
Майда-чуйда гапга бўлаверма хит.
Унут, унутолсанг, қўлингдан келса, —
Эркин яшаш учун берса халақит.
Олсин қалб ўзини ғамдан қутқариб,
Даставвал у Ватан отини билсин.
Туққан онасини бошга кўтариб,
Елкадош, элдошлар қадрини билсин.

***

Хаёлан кезиб ишқ сўнган боғларда,
Сиғмай қолди кўзга ичдаги фарёд.
Кўрсатмаслик учун дил доғларини,
Олди Бахт исмин қалб ўз исмидек ёд.

Билмас бош ўзини қайга қўярин,
Бир кунда бир умр бўлдик етти ёт.
... Мен йўқда сиғинган илтижоларин,
Қўй, унинг ўзига билдирма, ҳаёт.

Кўз очиб мен уни кўрганим ҳақдир,
Қайтара олмас рашк энди ўзлигимга.
... Менинг иқболимга тан бериб тақдир,
Яшайман ишониб бахтсизлигимга...

КЎРСАТ МЕНГА...

Бошга қўнган бахт эмас, ғамсан,
Тўқ одамлар талашар ўрин.
... Ўзингга кел, сен ҳам одамсан,
«Севаман» деб онт ичмас бурун.

Мужмаллигин олмас тан ҳеч ким,
Ётар ишинг бошингдан ошиб.
Юттандек тил юравердинг жим,
Бўлиб гўзал ҳуснига ошиқ.

Сен у билан кирдинг минг ёшга,
Билмас у-ку асл отингни.
... Дилдираган юракдан бошқа,
Кўрсат менга бор бисотингни...

БАХТ ДЕБ БАХТСИЗЛИКНИ...

Телбаман бир кун жудо бўлиб меҳрдан,
Қора кўзларимга дунё қоронғу,
... Мен юз йил қаридим юз хил
ўй-фикрдан.
Еганим заҳар-у, ичганим оғу.

Йиғлайди кўзларим демасада «дод»
Умрини умримга пайванд этди деб.
... Тирик эканимга ўзимда йўқ шод,
Бахт деб, бахтсизликни қувиб етдим-ку!

Гулчеҳра РАҲИМОВА.

2

ТАНДИР ТЎЛА НОН БЎЛСИН. Р. ШАРИПОВ олган сурат.

Vatanni sevmak iymondandur!

Журналист мулоҳазалари

Ҳурматли ўқувчилар!

Ўтган якшанба куни катта бозорга чиқдим. Қарияларни саволга тутдим. Кейин масжидга бордим. Кўча-кўйда учраган қариялардан ҳам сўрадим. Эшитганларимни умумлаштириб қарасам ҳаммаси бир одамнинг номи билан боғлиқ бўлиб чиқди. Эмишки, шаҳар номи Хитой томондан келиб қолган «Ас» исмли одам билан боғлиқ. «Ака» сўзи қўшилиб «Асака» ҳолига келган. Бошқа тахминга қараганда шаҳар номи Асакахонтўрам деган зот исмидан. У кишидан Валихонтўра, Саидхонтўра деган фарзандлар қолган. Ўз навбатида, буларнинг зурриётлари ҳозир ҳам ҳаёт экан. Яна бир тахминга кўра шаҳар ва унинг ён-атрофлари Атакахон ва Ниёзботир исмли оғаинилар чекига тушган экан. Атакахон исмидан Асака сўзи келиб чиққан. «Асака чеки» деган жой ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Луғатлардан изоҳ қидирдим. Уст-Юртнинг жануби-шарқидаги тектоник ботиқликни «Асакаовдон» дейиларкан. Асака сўзининг геологияга тегишли маъноси бордур балки?

«Ас» сўзи ханти халқи тилида катта дарёни билдирар, шунинг учун Ғарбий Сибирдаги жуда кўп сув ҳавзаларининг мен гаплашган қариялар ҳам изоҳлаб беришолмади. «Асака» сўзининг сири шу иборада яширинган бўлиши мумкин.

Шуниям эслаб ўтиш жоизки, Масковнинг «Маяк» радиостанцияси: «Ўзбекистоннинг Осака шаҳрида автомобиль заводи ишга тушди» деб хабар берганида, беихтиёр, Японияннинг йирик шаҳари билан Асака номи ўртасидаги қофиядошликми, қариндошликми шунга ўхшаш бир яқинликни туйгандек бўлдим. Хуллас, бу мавзуда махсус тадқиқот ўтазилса, тарихнинг ўқилмаган саҳифаларини кашф қилиш мумкин кўринади.

Асака адирликнинг этагида жойлашган. Шаҳар атрофига, узоқларга қарасангиз баланд адирлар кўринади, росмана тоғ дейсиз. Шаҳар атрофидаги аҳоли ҳам ниҳоятда зичлигидан уйлар адирга ўрмалаб чиқиб кетган, тепаликнинг ортида ҳам давом этиб кетади. Адир тагида илон изи бўлиб Шаҳрихонсой ваҳимали оқади ва шаҳарни иккига бўлиб ўтади. Сойдан кўплаб суғориш ариқлари ажралиб чиққан.

Асаканинг истироҳат боғи шаҳар ҳудудидаги энг баланд жой, десак хато бўлмас. Бу ердан гир ялангликлик ҳосил бўлган, уни Чўнтак, деб аташар экан. Айтишларича, унинг манзараларига Худоёрхон маҳлиё бўлиб қолган ва тез-тез келиб, ҳозирги истироҳат боғидаги чойхоналардан бирининг ўрнига капа тиктирган.

Истироҳат боғидаги чойхоналардан бирининг номи «Чўнтак». У адирнинг ёнбағрида жойлашган. Ундан чамаси ўн беш метр пастда икки қулоч келадиган ариқ қазилган. Сой ундан анча пастда. Сув ариққа сойнинг юқорисидан келади. Ариқ устига баҳайбат чарҳпалак ўрнатилган. Диаметри нақ 23 метр! Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олгулик! Чарҳпалак сувни шу икки қулоч келадиган ариқдан олиб, чойхонадан саккиз-ўн метрча юқорига, шаҳар сатҳига чиқариб берар экан. Бу чарҳпалакни кўрган одам оддий меҳнаткашнинг ақл-заковатига қойил қолади.

Битта истироҳат боғида 12 та чойхонани тасаввур қилиб кўринг! Бунақаси Тошкентдек шаҳри азимда ҳам йўқ. Яна, денг, ҳаммаси қишин-ёзин ишлайди, одамлар гавжум. Дўстларингиз билан 3-4 киши бўлиб дам олмоқни истасангиз бозорўчар қилиб, овора бўлиб юрмайсиз. Тўппа-тўғри, қуруқ қўл билан чойхонага бораверасиз, биз шунча кишимиз, ош тайёрлаб беринглар, десангиз, бас. Сизни алоҳида хонага ўтказиб, кўк чой келтириб қўядилар ва бир соатга қолмай, сизнинг буюртмангиз бўйича қўй гўшти, қўй ёғига дамланган девзира ошни сопол лаганга сузиб келтирадилар.

Телефони бор чойхонага шаҳардан туриб буюртма берсангиз ҳам бўлади. Паловдан бошқа таомни ҳам пишириб беришади. Мана буларни ўзбекона сервис деса бўлади! Бундай хизмат турларини янаям ривожлантириш керак. Ҳозирги замоннинг талаби шу.

Асака кичкина шаҳарча бўлса-да, аҳолиси гавжум. Автобус ва йўналишли такси хизмат қилиб турибди. Аҳоли велосипеддан кўп фойдаланади.

Илгари Асакада пахта ташиш тиркамаларини чиқарадиган завод ишлаб турганидан кўпчилик бехабар эди. Энди унинг ўрнида замонавий техника ва технология билан жиҳозланган автомобиль заводи ишга тушдию шаҳар бутун дунёга танилди. Бу заводда нафақат Асака ва унинг теварак-атрофларидаги, балки бутун Фарғона водийсидаги аҳоли меҳнат қилаяпти. Водийлик ёшлар мураккаб компьютерлар ёрдамида автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини бошқараяптилар. Бу — эришилган катта ютуқлардан биридир. Умуман, Асака иқтидорли ёшларга бой. Нафақат автомобиль заводидаги мутахассислар, балки пойтахт корхоналаридаги ва олий ўқув юртларидаги олимлар орасида Асаканинг Чўнтагида тўп тепиб, сойга шўнғиб катта бўлганлар анчагина.

Қудрат ДЎСТМУҲАММАД.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

«Янги Тошкент консерва» ҳиссадорлик жамияти чекланмаган миқдорда сигими 1, 2, 3 литр ҳамда 0,5, 0,65 литрли ҳажмлардаги шиша идишларни аҳолидан қабул қилади.

Шиша идишларни қабул қилиш белгиланган нарх бўйича.

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор қўрғони, «Янги Тошкент консерва» корхонаси.
Телефонлар: (3712) 63-96-51, 63-96-53, 63-96-50.

«ЎЗШИНАТИКЛАШ» БИРЛАШМАСИ

Мамлакатимизнинг барча автотранспорт соҳаси билан боғлиқ иш юритаётган корхона ва ташкилот раҳбарлари диққатига!

«Ўзшинатиклаш» бирлашмаси барча автотранспорт корхоналаридан ва аҳолидан ўз муддатини ўтаб бўлган турли русмли автошиналарни янги протектор қоплаш усули билан қайта тиклаш учун чекланмаган миқдорда қабул қилади.

«Ўзшинатиклаш» бирлашмасида қайта тикланган юк автомобилларининг 840x15, 220x508, 240x508, 260x508, 280x508, 300x508, 320x508 ва шунингдек енгил автомобилларнинг 616x13, 645x13, 640x13, 735x14, 185x15 русумдаги шиналарни сотади.

Бундан ташқари «Ўзшинатиклаш» бирлашмаси автомобиллар учун 100 турдаги резинатехника буюмларини чекланмаган миқдорда тайёрлаб беради.

Манзилгоҳларимиз:
Тошкентда: Дадабоев кўчаси 52 уй. 9-шина тиклаш заводи. тел: (3712) 48-55-89, 48-55-87.
Самарқандда: Саноат зонаси, 12-шина тиклаш заводи. тел: (3662) 22-12-65, 22-22-55.
Урганчда: 11-шинатиклаш заводи. тел: (36222) 54-0-85, 55-0-82.

Юнусобод тумани, Ахмад Дониш кўчасида жойлашган «Улуғбек» хусусий фирмасининг 54 м2 майдонида жойлашган қаҳвахонаси

сотилади ёки ижарага берилади

Тўлов усули турлича.
Мурожаат учун телефон: 75-83-91.

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг)
пул ўтказиш йўли билан
СОТАДИ
Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини
Телефон: (3712) 133-40-07.

БОЛАЛАРГА ОШ ТОРТИБ

ТОШКЕНТ. «Ўзбекбирлашув» бошқаруви ота-онасиз, қариндош-уруғлари қўлида тарбияланаётган 150 дан ортиқ ўғил-қизга дастурхон ёзиб, ош тортди. Бошқарув раиси Фарҳод Бурҳонов эндигина мактабга йўл олган болалар қўлига 1000 сўм, катталарга 1500 сўмдан ёзилган омонат дафтарчаларини тутқазди. Болалар пойтахтда Ҳамид Олимжон номли маданият уйи қошида ташкил этилган эстрада дастаси ва 245-болалар боғчаси тарбияланувчилари ижросидаги куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлдилар.

Э. ТОШТЕМИРОВ.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сизларни, 1997 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да республика Биржалар марказида бўлиб ўтадиган навбатдаги

КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Савдога қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги 59-АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси 2 млн. 175,1 минг сўм.
2. Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги 91-АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси 1 млн. 796,1 минг сўм.

Шунингдек, Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сизларни 23-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдосига таклиф этади. Савдоларга ***«ЎЗСАВДОГАРБАНК»****нинг мол-мулклари қўйилади:*

1. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Йиқ-ота посёлкасида Сут-товар фермаси.
Бошланғич баҳоси 12 млн. 397 минг сўм.
2. Тошкент вилояти, Майский посёлкасидаги автогараж.
Бошланғич баҳоси 2 млн. 919 минг сўм.

Савдоларга қатнашиш истагини билдирганлар республика Кўчмас мулк биржаси ёки унинг Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари филиалларига мурожаат қилиб, мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги гаров пулини тўлашлари шарт.

Шошилинг, кўчмас мулк кетмас давлатдир!

Мазкур мулкларга харидор жаноблар, республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятлари филиалларидан барча зарур маълумотларни олишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил:
Қарши шаҳри, «Космонавтлар» кўчаси, 20 уй.
Телефонлар: (37522) 5-16-84, 5-15-96.
Тошкент шаҳри, «Хоразм» кўчаси 51-уй (Тошкент вилояти филиали).
Тел. 133-49-31.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй.
Телефонлар:. 136-15-28, 136-15-29.
Факс: 136-26-26.